

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 46

20.06 2022 йил

Бағдод шаҳарчаси.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ҳамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи Бағдод тумани ХТБ номидан раҳбар Д.Каримова (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи «VODIY GRAND 777» МЧЖ номидан раҳбар Ф.Сиддиков (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

### 1. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

- 1.1 «Пудратчи» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «Буюртмачи»га қарашли Бағдод тумани ХТБга қарашли 53 мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини шартномага илова қилинган 18.05.2022 йил кунги №42528 сонли экспертиза хулосаси ва сметага мувофиқ жорий таъмирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2 «Пудратчи» тегишли проект-смета ҳужжатларига мос ҳолда» Буюртмачи» томонидан жорий таъмирлаш ишларини келишилган вақтда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр ҳолда ўз муддатида «Буюртмачи»га топширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3 «Пудратчи» иш бажариш вақтида жорий таъмирлаш ишлари учун кетадиган қурилиш материаллари ва ишчи кучини ўз ҳисобидан ўзи таъминлайди.
- 1.4 «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини 20 иш кунини тамомлаш мажбуриятини олади. «Пудратчи» томонидан қилинган ишлар яқунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «Буюртмачи» ўзининг мутахассислари билан биргаликда қабул қилиб олади.

### 2. ШАРТНОМАНИ БАҲОСИ

- 2.1 Шартноманинг умумий баҳоси 86 000 000 (Саксон олти миллион) сўмини ташкил қилади.
- 2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовутини олади.

### 3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» ҳисоб рақамига олдиндан 30 % аванс тўловини ўтказиб беради.
- 3.2 Тулов шакли «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 ҳужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.
- 3.3 Шартнома бўйича охириги ҳисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сўнг 5 кундан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

### 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 4.1 «Пудратчи» ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни 20 иш куни яъни 2022 йил 17 июн кунидан 2022 йил 14 июл кунига қадар бўлган муддатда тўлиқ бажаради.
- 4.2 Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ҳазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ҳар иккиси ҳам қонуний кучга эга.
- 4.3. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 «Пудратчи».
- 5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиҳа ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «Буюртмачи» га меърий ҳужжатлар талабига ва қоидалари асосида топшириш;
- 5.1.2 Объектга лойиҳага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш;
- 5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсуе ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «Буюртмачи» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
- 5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қурилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш;
- 5.1.5 Объект-сугуртасини амалга ошириш;

5.1.6 Жорий таъмирлаш ишларинида назорат органлари томонидан текширишда ортикча қилинган харажатлар аниқланса бу харажатлар «Пудратчи» томонидан тўланади.

5.2 «Буюртмачи»

5.2.1 Календар иш режаси белгиланган ҳажмда ва муддатда ҳажмини топшириш;

5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га ҳақ тўлаш;

5.2.3 «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

6.2. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки лойиҳа даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қўшиб қурган зарарни қоплайди.

6.4 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш ҳуқуқий бартараф етишдан озод етмайди.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қурани талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

7.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Пудратчи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

## 8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши тоинларнинг таъсири ва исхакларига боғлиқ бўлмаган вақтинча ёки узок вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалакит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити ҳуқуқат тадбирлари ҳокимият органлари қарорлари, ҳарбий низола ички тартибсизликлар) ва бошқа ҳолларла юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафида шартнома мажбуриятлари бузулган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

8.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

8.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида (5 кун ичида) хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб қўрсата олмайди.

## 9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низола ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

9.2 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судида қўрилиши лозим булади.

## 10. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартнома ҳар қандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб ҳар икала томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

10.2. «Буюртмачи» куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

10.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини суетканшлик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.

9.2.2 «Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойиҳада кўрсатилга ишларни сифати пасайганда.

10.3. «Пудратчи» куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

10.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

10.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиҳа ҳужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳолда ишларни баҳоси 50% кунга камайганда.

10.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик қурилиш, молниялаш имконияти йўқотилганда.

10.4. «Буюртмачи» «Пудратчи» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар ҳажми қийматини тўлайди.

10.5. Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборилади.

### 11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. «Пудратчи» амалдаги тартиб ва қондалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.

11.2. Ҳар икала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаоллият кўрсатадилар.

## 12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАДЧИ:

Юртмачи: Бағдод туман ХТБ	Подрядчик: "VODIY GRAND 777" МЧЖ
Манзили: Бағдод шаҳарчаси Оқ олтин кўчаси	Адрес: Бағдод тумани Чуринди кичлоғи
Тел./факс:	Телефон:
ШХР: 100022860302097092100075061	Расчет .счет: 20208000105447852001
Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 200 158 858	МФО: 00630
ОКОНХ:	Банк: АТБ Қишлоққурилиш банк
Газначилик номи: Бағдод тумани бўйича газначилик бўлини маси	ИНН: 308940748
Газна х/в: 23402000300100001010	Код по ОКОНХ: 43340
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ББХКҚМ	
МФО:	
Газначилик СТИРи: 122019	
Р:  Д.Каримова	Раҳбар:  Ф.Сиддиқов




**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI  
TO'G'RISIDA XULOSA**

1. **Loyihaning turi** – Shartnoma.
2. **Loyihaning nomi** - Bag'dod tumani Xalq ta'limi bo'limi va "Vodiy Grand 777" MChJ o'rtasida 86.000.000 so'mlik pudrat shartnomasi.
3. **Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot** - Bag'dod tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 16-iyun kuni taqdim etilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy- huquqiy bazasi to'grisida"gi qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag'dod tuman Yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuristkonsulti:



E.Botirov